САНЪАТ

# Сеҳрли бармоқлар соҳиби



Фарғона водийсида қўшиқ айтмайдиган, ҳеч бўлмаса ҳиргойи қилмайдиган одам топилмаса керак. Бинобарин гўзал Фарғона заминидан кўпгина санъаткорлар етишиб чиқди. Шулардан бири таниқли бастакор ва созанда Абдуҳошим Исмоиловдир. Санъаткорлик Абдуҳошимга бобоси уста Жумадан «мерос» касб десак адашмаймиз. Уста Жума ўз замонасининг катта санъаткорларидан эди. Шу боисдан уларникида тез-тез санъаткорлар тўпланишиб, қизғин гурунглар бўлиб турарди. Куй сеҳри бора-бора ёш Абдуҳошимни ўзига ром этиб, унда санъатга ҳавас уйғотди. У 9-10 ёшларида рубоб, 13-14 ёшларида эса ғижжак чалишни яхши ўзлаштириб олди. Унинг катта санъаткор бўлиб элга танилишида меҳрибон волидаси Фарқинисо аянинг хизматлари катта бўлди. Она ҳар гал ўғлига: «Ундай эмас, бундай чал» ёки бўлмаса «Бу ерда чўзиқ овозда айт, бу ерда тиниш қил» деган сўзларни бот-бот такрорлаб ўғлига мусиқа сирларини эринмай ўргатарди. Фарқинисо ая Абдуҳошимнинг биринчи устози бўлиб қолди. Онасининг ўгитларидан сўнг ёш Абдуҳошим санъат сирларини ўрганиб, ранго-ранг мусиқалардан гулдаста ясаб халқига тақдим эта бошлади. Она учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Абдуҳошим мактабни тугатгач, Фарғона мусиқа билим юртига ўқишга кирди. У ерда М. Мамадалиев, С. Дадажонов сингари устозларидан дарс олди.

1972 йилда билим юртини битириб, Ўзбекистон халқ артисти Икромжон Бўронов раҳбарлигидаги ҳарбий ансамблга келди. Унинг ижоди ўша ансамблдан бошланди. А. Исмоиловнинг бастакорлик ижодига туртки бериб, йўл очган инсон Икромжон Бўронов бўлди. Ўша кезларда иккала ижодкор ҳамкорлигида санъатнинг гўзал намуналари яратилди. «Тоғлик қиз», «Аскар қалби», «Интизоримга», «Бўлмас», «Қалб садоси» каби қўшиқлар айнан ўша даврнинг маҳсулидир. Тақдир тақозосини қарангки Абдуҳошимни хизматни ўтаётганига бир йил ўтгач, бўлимга ҳофизлар — ака-ука Ваҳобовлар ҳам Андижондан ҳарбий хизматга келишди. Ажойиб ҳарбий ансамбль гуруҳи пайдо бўлди.

1974 йили Абдуҳошим ҳарбий хизматни тугатиб, ўзи орзу қилганидек, Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги мақомчилар ансамблига ишга кирди. Мақомда ишлаш Абдуҳошимга қийин бўлмади. Чунки у бу борада ўз тиришқоқлиги, юксак истеъдоди билан кўпчиликнинг эътиборини қозонди. У мақомчилар ансамблига ишга кирғач она юрти гўзал Фарғонага бориб, буваси уста Жумадан ҳамда меҳрибон онасидан оқ фотиҳа олиб, Тошкентга қайтди. Абдуҳошим ўзбек халқининг буюк санъаткори академик Юнус Ражабийдан мақомнинг кўпгина сир-асрорларини ўрганди. Шунингдек, бастакор, машҳур созандалар Фахриддин Содиқов, Ғанижон Тошматов, Маҳмуд Муҳамедов, Ғулом Хожиқуловлар билан яқиндан ҳамроҳ бўлиб турди. Шу орада у Ўзбек Давлат консерваториясининг мусиқа факультетини тамомлади.

1985-87 йилларда Абдуҳошим Исмоилов Самарқандда бўлиб ўтган Бутун дунё мусиқа симпозиумида қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Тинимсиз меҳнат, беором тунлар уни юксак санъат чўққилари сари чорлади. Вақти келиб у мақом дастасига бадиий раҳбар бўлди. Ҳозир ҳам у Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблига раҳбарлик қилмоқда. Абдуҳошим Исмоилов мақомда ўз созининг ҳақиқий эгаси Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов, Дадахўжа Соттихўжаев, Илҳом Тўраев, Ориф Алимаҳсумов, Умаржон Отаев, Ўзбекистоннинг машҳур ҳофизлари Орифхон Ҳатамов, Фаттоҳхон Мамадалиев сингари забардаст санъаткорлар орасида камол топди. Таваккал Қодиров, Ғуломжон Ёқубов, Камолиддин Раҳимов, Жўрабек Набиев, Марям Сатторова, Насиба Сатторова, Гулбаҳор Эрқулова каби бир қанча санъаткорларнинг қўшиқларига ранг-баранг жило бериб келди, куйлар яратди.

25 йил ичида мақомда ишлаб туриб, жуда кўп хонандаларга, раққосаларга қўшиқ, рақс куйлари ёзиб берди. Юнус Ражабий ўгитларига амал қилиб, Ўзбек миллий қўшиқларини яратди. Устоз Юнус ака: «Мен шашмақомнинг китобини ёздим, пластинкаларга ёздирдим. Лекин ҳали буни гўзал ҳолатда чиройли қочирмалар, иложи бўлса чиройли авжлар билан ёзиш сиз каби шогирдларимизнинг бурчингиздур», деган эдилар, — эслайди Абдуҳошим суҳбатимизнинг бирида. Абдуҳошим қўрқмай шу ишга қўл урди. Шу орада 25 йил аввал моно сифатида ёзилган «Шашмақом»ни стерео ҳолатда қайтадан устоз айтганидек, пластинкага туширди ва радиомагнит лентасига ёзилди. Бу ўзбек халқининг абадий бойлигидир. Тинимсиз ижод изланишлари беҳуда кетмади. У дилига тугиб қўйган яхши ниятларини амалга оширди, орзуларига эришди.

35 ёшида Ўзбекистон халқ артисти юксак унвонига сазовор бўлди. Аммо бу унинг ижоди тугаб қолди, деган гап эмасди. Унинг ҳали эришмаган орзулари уммон қадар. Абдуҳошим Исмоилов меҳнатсевар, қалби пок инсон, дилкаш суҳбатдош. Давлатимиз унинг меҳнатларини муносиб баҳолаб, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирлади. Яқинда биз Абдуҳошим билан учрашиб, дилдан суҳбатлашдик.

**— Абдуҳошим, мана сиз ўзбек миллий қўшиқчилигида ўзига хос мусиқа салтанати яратдингиз ва яратмокдасиз. Сиз билан замондош Рустам Абдуллаев, Алишер Икромов, Алишер Расулов, Дилором Омонуллаева ва шу каби кўплаб иқтидорли бастакорларимиз бор. Бизда шунча бастакорлар бўла туриб нима учун баъзи ёшларимиз ўзбек қўшиқларини ҳиндча, арабча, туркча ёки бўлмаса Европа мусиқаларига мослаб қўйламокдалар?**

— Жуда ўринли савол. Ҳар бир миллатнинг ўз санъати бор. Бизнинг ҳам ўз санъатимиз бор, бўлганда ҳам жуда буюк, излаб тагига етмайдиган туганмас санъатга эгамиз. Мен айрим ёшларимизнинг бу ишини танамга сингдира олмайман. Бошқа миллатларнинг қўшиғини дўндириб ижро этиш мумкин. Лекин улар ўзбекнинг куй ва қўшиқларимизни бизнинг оҳангимиздек, ноламиздек қочиримларимизни ижро этолмайди. Хориж давлатларида бўлганимда «Насруллойи»ни ёки «Чўли Ироқ»ни чаламанми, томошабинлар жим ўтириб эшитишади. Сабаби, бу куйлар қайси миллат бўлишидан қатъи назар, инсоннинг юрагига етиб борадиган қилиб ижро этилади. Нола ҳам, овоз қочирими ҳам, дард ҳам 4-5 та созандадан бир хил оҳангда чиқади. Хориждаги томошабинлар ҳайратланиб бу қандай мўъжиза деб сўрашади. Мен фахрланиб, бу фақат бизнинг ўзбек миллатига тегишли деб жавоб бераман. Ҳозирги айрим ёшларнинг юқоридаги ишини эса дангасалик, лоқайдлик деб тушунаман.

**— 2003 йил кириб келмокда. Янги йилда янги орзулар, режалар бордир...**

— Албатта бор-да. Орзуларимдан биттаси ўзбек симфониясини дунё томошабинлари эшитсин дейман. Ўзбек операси юксак даражага етсин дейман. Мақом ансамблимизнинг бутун жамоаси хориж мамлакатларида концерт берса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шу мустақил юртнинг содиқ фарзанди эканман, юртим учун умримнинг охиригача хизмат қилишни катта орзуим деб биламан. Халқимга, Ватанимга бўлган ҳурматим, шукронам чексиздир. Худо хоҳласа олдимга қўйган ниятларим бор. Ўзбек миллий мусиқасида устозлар йўлини давом эттиришни орзу қиламан.

Ҳа, санъат катта фидойиликни талаб этади. Санъатни севган, дилида илҳоми жўш урган санъаткор ҳамиша изланишда бўлади. Абдуҳошим хонанда билан созанда ўртасидаги руҳий уйғунликни ҳис қилади. Хонанда созанданинг куйини тинглаб, ўзини шу куйга тайёрлаши керак ва бутун вужуди билан уни ҳис қилмоғи лозим. Ривоят қилинишича, одамлар бандаликни бажо қилгач, руҳлари аршга кўтарилиб, Оллоҳнинг ҳузурида бўларкан. Оллоҳ уларни амалларига қараб, яъни бу дунёда қилган касб-корларига қараб, тоифаларга бўлар экан. Косиблар, ҳакимлар, муллалар ва шунга ўхшаш бошқа касб соҳибларини алоҳида тоифаларга ажратиб, ижодкорларни фаришталарнинг сафига қўшиб қўйган экан. Демак, ижод аҳлининг мавқеи бошқаларникидан юқори. Оллоҳга яқин турар экан. Буюк француз олими донишманд Вольтер шундай деган экан: «Ижод қилиш ўлим устидан ғалаба қозониш демакдир».

Ҳа, Абдуҳошим Исмоилов илоҳий туйғулар оғушида ижод қилади. Яратган куй ва қўшиқлари унга қанот бахш этади. У яратган куйлар мангуликка дахлдордир. Санъаткор эса ўзи яратган куйларида мангу қолади. Халқимиз ахир бежиз айтмайдику, «Бунақа туғма истеъдодлилар 100 йилда бир туғилади» деб.

**Анвар ИНОҚОВ,**
**санъатшунос, VI Жаҳон фестивалининг совриндори.**

ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

# Ўлик денгизнинг шифобахш суви

Ўлик денгиз — Ер юзида одатдан ташқари сув ҳавзаси бўлиб том маънода ғалати денгиз ҳисобланади. Аслини олганда бу денгиз ўта шўр кўл бўлиб, Иордания билан Исроил мамлакатлари орасида жойлашган. Ана шу жойда Ернинг ўпирилиш натижасида мазкур кўл пайдо бўлган. Унинг узунлиги 75 километр, эни 15-18 километр. Таажжубли жойи шундаки, ўлик кўлнинг юзаси дунё уммонлари юзасидан 400 метр пастда жойлашган. Кўлнинг жануб томони унча теран бўлмасада, шимолий қисмида унинг чуқурлиги 400 метрга етади. Бу денгиздан сув чиқиб кетадиган биронта ҳам дарё йўқ. Лекин унинг ўзи Иордан дарёси сувини, теварак-атрофдаги тепаликлардан дарё ва ирмоқлар сувини ўз бағрига олади. Сувнинг камайиши фақатгина буғланиш йўли билан амалга ошади, натижада кўлда маъданли тузлар, ош тузи, калий карбонат, магний хлорид ва бромид кабилар миқдори ҳаддан ташқари кўпайиб кетган. Шунинг учун ҳам мазкур ҳавза дунёда энг шўр денгиз ҳисобланади. Сувдаги тузлар миқдори уммон сувига қараганда олти баробар кўп экан, бу эса сувнинг тиғизлигини шу даражада оширадики, унда одам пўкак тиқин сингари куч сарфламасдан сузиб юради. Ўлик денгиз қимматбаҳо моддалар манбаи ҳисобланади. Унда ўғит ишлаб чиқариш учун хом ашё ҳисобланган 2000000 тонна ноташ эриган экан.

Мазкур денгиз сувининг сатҳи бундан миллион йиллар аввал ҳозирги кўринишига қараганда 420 метрга баландда бўлган. Ўша кезлари денгизда ҳаёт бўлган. Кейинчалик эса буюк қурғоқчилик даври бошланганда, денгиз суви шунчалик буғланганки, натижада у ҳозирги кўринишига келиб қолган.

Унда хлорли магний бўлганлиги учун кўнгилни айнитади. Сувни қўлга олсангиз худди мойлига ўхшаб кетади, сабаби сувда кўп миқдорда хлорли калцийнинг бўлишидир.

Бундай сувда биронта ҳам жонзот яшай олмайди. Ўлик денгизга яқинлашиб келганингизда беморлар ва дам олувчиларга мўлжалланган биноларга кўзингиз тушади. Нима учун бундай соғломлаштириш маркази сувдан анча йироқда қурилганини кўриб таажжубга тушасизда кейинчалик унинг асл сабабини билиб оласиз.

Маълум бўлишича мазкур бинолар аслида денгиз қирғоғига яқин жойда қурилган, лекин денгиз сувининг камайиши туфайли беморларни эски қирғоқдан янги қирғоққа аравачаларда ташийдилар.

Ўлик денгиз сувида ҳеч ким чўмилмайди, сузиш бўйича мусобақа ҳам ўтказилмайди, сув томчилари тасодифан кўзга тушиб қолса унинг жароҳатланиши муқаррар. Бу ердаги қоидага кўра ўлик денгиз сувида узала тушиб ётиб олиб газета мутолаа қилишингиз мумкин. Бунда сув сизни кўтариб туришидан роҳатланасиз. Бир йўла даволанасиз ҳам.

Бу сув турли-туман кимёвий элементлари билан кўп кишиларни боқади. Сувдаги минерал ва тузлар ревматик артрит каби хасталикларни даволайдиган препаратлар, шунингдек, атир-упаларнинг ҳам асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳозир 50 тача фирмалар ўлик денгиз тузи ва балчиғидан фойдаланиб турли хил атир-упалар тайёрлайди.

**Яҳё ДАВЛАТОВ,**
**биология фанлари доктори.**

**Халқимиз санъатни севади ва уни ардоқлайди. Буни санъат оламида яратилаётган асарларга бефарқ эмасликларидан ҳам билса бўлади. Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида Республика Олий Мажлисининг ёшлар ишлари қўмитаси, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг замонавий санъат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазма ҳам санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотди.**

# Эътиборга сазовор бўлди

Унда Ўзбекистон Бадиий академиясининг бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, иқтидорли ҳайкалтарош Қурбон Норхўрозовнинг «Тошларга кўчган муҳаббат» номли шахсий кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Кўргазмадан санъаткорнинг мустақиллик йилларида яратган ҳайкалтарошлик асарлари тўплами жой олган. Унинг «Замон садоси», «Шарқ озодлиги», «Орзу», «Чўпон» деб ном олган ижод намуналари томошабинлар эътиборига сазовор бўлди.

Шунингдек, Термизда қад кўтарган Алпомишнинг 1000 йиллик юбилейига бағишланган ҳайкал ҳам ушбу маҳоратли ижодкорнинг санъат асаридир.

Айни пайтда Қурбон Норхўрозовнинг кўплаб асарлари намуналари Бухоро музейида, Бадиий кўргазмалар дирекциясида, Ўзбекистон санъат музейида, шунингдек, Англия, Туркия, Япония, Франция каби мамлакатлар музей ва шахсий галереяларида сақланмоқда.

**Ҳулкар МАМИТОВА**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Шайхонтоҳур туман Давлат Солиқ инспекцияси томонидан Б.К.Файзиев номига берилган MS4 сериядаги №462392 дан 462400 гача бўлган рақамли, шунингдек, 462392 рақамли патталар йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

# Сўранг, жавоб берамиз

**Мен ўзимга тегишли хонадонда хусусий дўкон очмоқчи эдим, бунга рухсат бериладими?**

**М. Қосимов**

Яшаш учун яроқли бўлган турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказишга йўл қўйилмайди. Алоҳида холларда турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказиш мулкдорнинг ёхуд у ваколат берган органнинг (шахснинг) аризасига кўра Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 15-моддасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

* * *

**Алиментни суд тартибида ундириш тўғрисида маълумот берсангиз.**

**М. Йўлдошева**

Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъи назар, исталган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Алимент даъво тақдим этилган кундан бошлаб ундирилади.

Суд томонидан даъвогар алимент ундириш учун барча чораларни кўришига қарамай жавобгар уни тўлашдан бош тортгани сабабли алимент ундира олмаганини, шунингдек даъвогар оилани сақлаб қолиш мақсадида ёки бошқа узрли сабаблар билан ўз вақтида даъво тақдим қилмаганлиги аниқланса, суд иш ҳолатларига қараб, ўтган вақт учун, аммо уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга алимент ундириши мумкин.

* * *

**Васийлик ва ҳомийлик қандай ҳолатда белгиланади?**

**Н. Усмонова**

Васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва таълим бериш, шунингдек бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади.

* * *

**Мен ўз туғишган акам номидаги хусусий уйни сотиш ҳуқуқига эгаманми?**

**Э. Шокиров**

Акангиз номидаги хусусий уйни сотиш учун сиз ишончли вакил сифатида иштирок этишингиз мумкин, бунда фақат акангиз номидан нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома бўлиши лозим. Аммо акангиз номидаги уйни сотиш ҳуқуқига эга эмассиз.

* * *

**Машина бозорларидан ва бошқа жойлардан сотиб олинган автомашиналарни рўйхатга олиш қоидаларини тушунтириб берсангиз.**

**А. Воҳидов**

— Давлат нотариал идоралари томонидан берилган олди-сотди шартномаси ёки кўчмас мулк идораси томонидан берилган ҳужжатлар, шунингдек транспорт воситаларини сотишга ҳуқуқи бўлган давлат корхоналари томонидан берилган ҳужжатларга асосан ариза тўлдирилади. Ахборот марказида ҳисобга қўйилади, шахсий паспорти, транспорт воситасини кўрикдан ўтказиш, давлат рақам белгиси ва техник паспорт учун тўлов чиптаси олинади. Шунингдек, белгиланган нархдан автойўл учун тўлов чиптаси олинади. Юк автомобиллари, автобуслар ва кичик ҳажмдаги автобусларни давлат автомобиль назоратига ҳисобга қўйишдан олдин транспорт воситасининг эгаси ўз автомобилини яшаб турган жойидаги мудофаа бўлимига ва солиқ бўлимларига ҳисобга қўйиши лозим.

**Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икромжон ИСМОИЛОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## «Ҳожатбарор» ҳайдовчи

Тижоратчилар «янгиликка» ўч бўлишади. Қайсидир жой-маконда фалон нарса арзонроқ дейилса, тамом, дарҳол ўша томон «учишга қанот боғлашади».

Қўқонда кийим-кечак нисбатан арзон дейилган гап тарқалди-ю, шаҳримиздан узоқ бўлган бу жойга отлиқми-пиёда чопадиганларнинг сони кўпайди. Унча-мунча савдо-сотиқ билан шуғулланадиган Вазирахонда ҳам шундай истак туғилди. У ўзи каби тижорат ишлари билан шуғулланадиган дугоналарига шу ҳақда гапирган эди, ҳаммалари бараварига «борганимиз бўлсин» дея унинг фикрига қўшилишди.

Сафар дам олиш кунига белгиланди. Дугоналар йиққан-терган сармояларини енгга тугиб «Қайдасан, Қўқон» дея йўлга тушишди. Тезюрар автобус 4-5 соат оралиғида уларни манзилга етказди. Аёллар бор пулларини сарфлаб ўзларича харидоргир деб топилган турли кийим-кечакларни сотиб олишди. Маҳсулотлар билан тўлган семиз сумкалар билан автобусга жойлашишнинг ўзи бўлмасди. Шунинг учун енгил машина ёллашмоқчи бўлишди.

— Йўл бўлсин, опажонлар? — дея тижоратчиларни қаршилади яп-янги «Жигули» ёнида турган хушбичим йигит.

— Тошкентга.

— Хизмат ҳақини келишсак, ўзим олиб бориб қўяман.

Очиқчеҳра, хушмуомала йигитнинг бу таклифи аёлларга ёқиб тушди. Ҳайдовчи йўлкира устида кўп тортишиб ўтирмади. Аёллар айтган арзон-гаров баҳога кўна қолди.

— Барака топинг, — дея алқишиб кабиналарга жойлашиб олишди тижоратчилар.

«Жигули» бир силтаниб йўлга тушди. Ҳайдовчи анчагина гапдон экан. Йўл-йўлакай аёлларни кулдириб ичагини узди. Деярли ярим масофа босилганда янги «Жигули» иш кўрсата бошлади. Дам-бадам мотор ўчиб қолаверди. Бора-бора машина бутунлай юрмай қўйди.

Ҳайдовчи кабинадан тушиб, капотни очди. Уёқ-буёқни кавлаштирган бўлди. Кейин аёлларга мурожаат қилди.

— Энди, опахонлар, сизларни ҳам ишга соладиган бўлдик-да. Кабинадан тушиб, машинани бироз итариб юбормасаларингиз бўлмайдиган кўринади.

Аёллар дарҳол ёрдамга шошилишди.

Машина силтана-силтана юра бориб бирдан зарб билан жойидан қўзғалди. Ҳайрият, мотор ўт олиб кетди. Нарироққа бориб тўхтаса керак, деган фикрда бўлган аёллар бирдан саросимага тушиб қолишди. Машина шу кетгандан кетиб борди. Шу зайлда кўздан йўқолди. Ҳатто жабрдийда тижоратчилар унинг белгили рақамларини ҳам кўрмай қолишди.

Бу воқеани ўз бошидан кечирган жабрдийдалардан бири ҳикоясини шундай тугатди.

— Қаранг, отахон, дунёда қандай одамлар бор-а? Ўғрику иложи борича ўзини танитмасликка, кимлигини билдирмасликка, жиноят изини йўқотишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам унинг номини тўғридан-тўғри ўғри деб атаймиз. Лекин куппа-кундуз куни кўра-била туриб, фикри-зикри рўзғор ташвиши билан банд бўлган инсонларни турли найранглар билан чув тушириб кетадиган бундай одамларни нима деб атамоқ керак?

Дарҳақиқат, уларни қандай ном билан атамоқ керакки, бу бадномлик уларга умрбод тавқи-лаънат келтирсин.

## Йўлини топди

— Бобо, — дейди набирам Бекзод машинасини йўл чеккасида жойлашган бозор эшиги олдида тўхтатиб, — машинамнинг тормоз мойини алмаштирмоқчи эдим. Сиз бир зум ўтириб туринг, мен югуриб бозорга кириб мой олиб чиқай.

— Майли, бўтам.

Орадан 10-15 дақиқа ўтиб-ўтмай набирам қуруқ қайтиб чиқди. Сўрасам:

— Танишларни учратмадим. Яна билиб-билмай сув билан аралаштирилган мой сотиб олишдан қўрқиб бегоналардан олмадим.

— Йўғ-е, жуда унчаликка боришмас.

— Ишонмайсиз-да, бобо. Ўзим икки марта мой сотиб олиб, чув тушдим. Тормозни босишим билан оқиб кетади.

— Тавба, шоввозлар шунинг ҳам йўлини топишибдида, бўтам, — дейман таажжубланиб. — Ахир оғзи сўрғичланган бўлса, уни қандай қилиб очиб сув билан аралаштиришади?

— Эшитишимча, сўрғичли игна билан мойни тортиб, унинг ўрнига сув қўшишаркан.

— Вой, тиниб-тинчимаганлар-ей, нималарни ўйлаб топишмайди-я? Ахир бу машина бўлса, тормози ишламай қолса, ҳаёт учун хавфли-ку, дейишмас экан-да.

Набирам яна бир бозорга кириб, ундан ҳам қуруқ чиқди. Сўрасам юқоридаги гапни такрорлади. Ишончли одам топилмади, деди.

— Энди нима қиласан? Машинанг чатоқ бўлса, — десам, у ўйлаб туриб:

— Хавотир олманг, йўли бор, бобо, — деди кулиб. — Техник хизмат кўрсатиш станциясидагиларнинг қўлига 3-4 сўм ортиқча берсам, тоза мой қуйиб беришади.

— Хайрият, бироз ортиқча олса ҳам тоза мой қуйиб берадиганлар ҳам бор-ку, — дейман шунисига ҳам шукр қилиб.

## Уларнинг гуноҳи не?

Телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам, ундан яқин бир танишимнинг овози эшитилди. Саломлашдик.

— Бобо, қалай бардаммисиз? — сўради у. — Агар хоҳиш бўлса эртага сизни бир жойга таклиф қилмоқчи эдим.

— Қаерга экан?

— Биласиз, ҳар байрам арафасида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига дастурхон ёзиш одатим бор. Шунга биз билан бирга бўлсангиз, хурсанд бўлардик.

Боришга ваъда бердим.

Меҳрибонлик уйи бекалари ва тарбияланувчилари бизни шодиёна кайфиятда кутиб олишди. Қисқа суҳбат асноси дастурхон атрофидан жой олдик. Чор атрофда ўтирган норасидаларнинг кўзи бизда. Билиб турибман шу топда улар ҳар қандай нозу неъматлардан кўра биз томонимиздан айтиладиган илиқ, ўксик дилларга малҳам бўладиган ширин сўзларга муштоқ бўлиб ўтиришибди.

Тил учида турган истакларни айтдик. Кейин кичкинтойлардан бирови она ҳақида, яна бошқаси ота ҳақида шеър ўқиди, қўшиқ айтди. Хуллас, маросимнинг энг катта қисмини ота-она мавзуси эгаллади. Мурғак қалб, пахтадек беғубор кичкинтойларнинг жовдираган нигоҳига тикила туриб беихтиёр кўзингга ёш келади. Бу мўлтираган кўзлар фақат ўзига қадрдон инсонлар — ота-онани излайди. Лекин, афсуски, бу жажжиларни дунёга келтирган ота-оналар уларнинг хаёлида нелар кечаётганлигидан бехабар.

«Онажоним» дея куйиб-пишиб шеър айтган қизалоқ диққатимизни ўзига тортди. Унинг яқинига бордик.

— Исминг нима?

— Зулхумор.

— Қизалоғим, ойинг сени кўргани келиб турадими?

— Йўқ, келмайди.

— Анча бўлдими ота-онангни кўрганингга?

— Бир йил.

Унинг кўзларида ёш милтиради. Бошини силадим. Қизалоқ ўзини тутиб туролмай бўйнимдан қучди.

— Қани энди менинг ҳам сиздек меҳрибон бобожоним бўлса...

Шу куни биз билан суҳбатда бўлган Диловар, Улуғбек, Дурбекларнинг ҳам ҳасратидан «чанг» чиқди. Улар нуридийдалари ва падари бузрукворларини соғинганларини айтиб йиғлашди.

Бизга ҳавас билан тикилиб турган жажжиларга термуламан-у, ўзимга ўзим савол бераман: бу меҳрга зор, интизор гўдакларнинг гуноҳи не? Нега улар ўзгалар сингари ота-она бағрида яйраб-яшнашдан маҳрум? Ахир вақти келиб уларни шу кўйга солган инсонларнинг бир-биридан чиройли бу кичкинтойларнинг уволи тутмайдими? Тутади. Лекин унда кеч бўлади.

Хуллас, Меҳрибонлик уйида ўтган кунимиз бироз қувончли, бироз ташвишли кечди.

# «02»: ҲОДИСАЛАР

◆ Чилонзор тумани, 10-мавзе, 31-уй, 13-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро В. Емельянова уйида ўғирлик жинояти содир этилганлиги тўғрисида милицияга хабар берди. Воқеа жойига етиб келган тезкор гуруҳ вакиллари ушбу хонадоннинг эшигини синдириб, Кореяда ишлаб чиқарилган, нархи 200.000 сўм турувчи «LG» русумли телевизорни ўғирлаб кетган жиноятчини зудлик билан қидириб топиш чораларини кўрдилар. Натижада ўғрининг Андижон вилояти, Избосган туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Б. Толибжон эканлиги аниқланди ва у қўлга олинди. Ҳозирги кунда унинг устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

◆ Яқинда Ҳамза тумани ИИБ ходимлари томонидан ҳам ана шундай телевизор «ишқибози»нинг ножўя ҳаракати фош этилди. Ширмонбулоқ кўчасида яшовчи, муқаддам судланган бўлса-да, аммо ҳанузгача бирон фойдали меҳнат билан шуғулланишни хоҳламайдиган У. Мўмин исмли бу шахс, шу кўчадаги 28-уйда истиқомат қилувчи Э. Икромовнинг хонадонидан «Самсунг» ва «Дэу» русумли телевизорларни ўғирлаб кетган. Энди ўйламай босган қадамининг нечоғлик нотўғри эканлигини кеч бўлса-да тушуниб етган айбдор қаттиқ пушаймонда.

◆ Орамизда турли ножўя йўллар орқали мақсадларига эришишни кўзлаган айрим кимсалар ҳам учраб туради. Ана шундайлар сирасига мансуб бўлган икки шахсни яқинда Шайхонтоҳур тумани ички ишлар ходимлари жиноят устида қўлга олишга муваффақ бўлдилар. Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманида истиқомат қилувчи Ш. Икром ва унинг шериги Х. Назиржонлар марказий «Пахтакор» стадиони ҳудудидаги ер ости электрокабелларини қирқиб олиб, ўғирлаб кетаётган эканлар. Эндиликда айбдорлар қилмишлари учун жавоб бермоқдалар.

◆ Жамият равнақига раҳна солувчи фирибгарлик жиноятига қўл уриб, соддадил кишиларнинг ишончларини турли тарзда суиистеъмол қилаётган ва бунинг натижасида мўмайгина даромад орттириб олаётган виждонсиз кимсалар ҳам учраб турибди. Чилонзор тумани ИИБ ходимлари яқинда шу хилдаги жиноятга қўл уриб, яшириниб юрган икки нафар шахснинг қилмишларини фош этдилар. Маълум бўлишича, улар Санъат кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Х. Бахтиёровни «Юридик институтга ўқишга киргизиб қўямиз» деб алдаб, унинг 4000 АҚШ долларини қўлга киритиб, қайтариб бермасдан ва ваъдаларининг устидан чиқишни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмасдан ғойиб бўлганлар. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли Юнусобод туманида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган К. Мунисхон ҳамда Талабалар шаҳарчасида истиқомат қилувчи Д. Муродлар қўлга олинди. Ҳозирда улар устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

◆ Олмазор мавзесида истиқомат қилувчи С. Носирова уйига қайтаётганида кутилмаганда кимдир унинг орқа томонидан бўйнига ташланди. Ўша қисқа дақиқаларнинг ичида у нархи 500.000 сўмда баҳоланадиган тилла занжиридан айрилиб қолган эди. Сўнгра жабрланувчи тезлик билан Чилонзор тумани ИИБсига воқеа тўғрисида хабар берди. Милиция ходимларининг шошилинч равишдаги саъй-ҳаракатлари самара бериб, ушбу жиноятни содир этган шахс ушланди. Шундай қилиб, Форобий кўчасида яшовчи К. Фурқат «ҳунар»инининг оқибатида эндиликда афсусланиб қолди.

◆ Яккасарой тумани ИИБ ходимлари Ш. Рашидов кўчасида истиқомат қилувчи Я. Игорь исмли фуқаронинг қонунга хилоф равишда амалга ошираётган фаолиятини фош этдилар. Аниқланишича, ушбу шахс ҳовлисидаги бошқа ўсимликларнинг орасида нашани ҳам ўстираётган экан. Ҳозирги кунда уддабурон «боғбон» қилмиши юзасидан тергов жараёнида жавоб бермоқда.

◆ Гиёванд моддаларнинг олди-сотдиси билан шуғулланувчи шахсларнинг ушбу қалтис ҳаракатлари фақат уларнинг ҳаётларига салбий таъсир етказибгина қолмай, бундай заҳарли оғуларни билиб-билмай истъмол қилган бошқаларнинг ҳам саломатлигига хавф туғдиради. Шу хилдаги хавфли саналган жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш ҳозирги кунда барча ақли расо кишиларнинг вазифаларидан биридир. Сергели тумани ИИБ ходимларининг бу борада кўрган чора-тадбирлари натижасида, Сергели-2 мавзесидаги 10-уй олдида, шу мавзеда истиқомат қиладиган, бирон жойда ишламайдиган, судланган Б. Александр исмли кимса ушланиб, унинг ёнидан 5,81 грамм марихуана моддаси топилди. Энди оғуфуруш қонун олдида тегишли жавоб беради.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Молу-дунёнинг хайрлиси — ҳалол меҳнатдан ҳосил бўлиб, эзгуликка сарф қилинганидир.

● Шошқалоқлик — пушаймонликнинг синглиси, иккиси бир-биридан айрилмайди.

● Ҳар ишда эҳтиётлик билан ҳаракат қилиш — шодлик гаровидир.

● Арасту Ҳаким Искандар Зулқарнайн билан видолашаркан, унга насиҳат қилиб, айтди:

— Эй Искандар, ҳунармандларни иззат-ҳурмат қил, уларнинг ҳунарлари яна ҳам такомиллашсин. Оқил, донолардан алоқангни узма, ёмон ниятли, ярамас одамлардан ўзингни четлаштир, шараф ва обрўинг яна ҳам юқорилашини истасанг, илму-ҳикмат ўрганишдан орномус қилма, фазл-камолотнинг насиҳатларига илтифотсизлик билан қарама. Ҳар ким камчилигингни айтиб, сени огоҳлантирса, уни дўст деб бил, чунки у сенинг қоронғиликдан ёруғликка чиқишингни истайди. Бахт, иқбол секинлик билан, бахтсизлик эса суръат ила ҳаракат қилади, чунки иқбол паст жойдан юқорига чиқишга, бахтсизлик карвондан пастга тушишга ўхшайди.

**БАЙТ:**
**Сўзда Навоий не десанг, ин дегил,**
**Рост наво нағмага таҳсин дегил.**
**Ростдур улким назари тўғридир,**
**Ким илиги эгридур — ўғри эрур.**

● Сукрот ҳаким айтади:

— Икки нарсани ислоҳга келтириш жуда қийин: қариндош-уруғларнинг бир-бирларига бўлган адоватларини ва қўшниларнинг ҳасадини

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига насиҳат қилиб шундай дейди:

— Ўғлим, ғайрат ва матонатни чумолилардан ўрган ва улардан ибрат ол. Чумолилар ёз бўйи ишлаб, меҳнат қилиб, қиш учун озиқ-овқат тўплайдилар. Сен ҳам ёшлигингни ғанимат бил, ишла, қариганингда роҳатини кўрасан.

● Жалолиддин Румий айтади:

— Ақл ва тажрибаси ҳали етарлик даражада ўсмаган ва жисмоний қуввати кам бўлган одам бир ишга киришиб ҳаддидан ошса, натижада паришон аҳволга тушади. Ёши ва тажрибаси ошгандан кейин юқори ишларда бўлса, зарар эмас, фойда ҳосил қилади. Муҳим ишларда ҳамиша оқил ва тажрибакор одамлар билан маслаҳатлашиб туриши албатта лозимдир.

● Шайх Басоий айтади:

— Лаззатнинг тўрт мартабаси бор.

Биринчи мартаба — одамнинг ёш болалик даври. Бу мартаба даврида болада бир қувват ҳосил бўладики, бунинг таъсири билан бола ўйинга машғул бўлади, ўйин ўйнашдан лаззат олади, ундан яхшироқ лаззатни билмайди.

Иккинчи мартаба — йигитлик даври. Бу даврда йигит ўзида зоҳир бўлган қувват таъсири билан ўзига оро беришга, яхши либослар кийишга, турли томоша ўринларига боришга интилади. Умуман, кайф-сафо қилишдан лаззат олади.

Учинчи мартаба — йигитликнинг сўнгги ва ўрта ёшлик мартабаси. Одам бу даврда оиласини таъмин этиш, уй-жойларини тузатиш, яхши иморатлар қуриш, саёҳат қилиш, ошна-оғайниларни кўпайтиришга кўпроқ ҳаракат қилади. Шулардан лаззатланади.

Тўртинчи мартаба — одам обрў орттиришга, невара-чеваралари билан фахрланишга бошлайди, шулардан лаззатланади. Бу лаззат одамнинг энг кейинги лаззатидир.

Ота-она лаззатнинг биринчи ва иккинчи мартабаси даврида фарзандларининг юриш-туришларига, тарбиясига, одоб-ахлоқига диққат қилишлари, уларни ўз назоратлари остида тутишлари лозимдир. Лаззатнинг бу икки мартабаси даврида фарзанд тарбиясига яхши эътибор бермаган ота-она кейин пушаймон ейдилар.

**БАЙТ:**
**Кишиким насиҳатга солмас қулоқ,**
**Надомат бирла тишлагай илгини.**

● Бир донишманддан: «Бировнинг ақлли одам эканини унинг қайси ишидан билиш мумкин?» — деб сўрадилар.

Донишманд айтди:

— Уч хислатнинг биттаси билан билиш мумкин: ё унинг элчиси билан, ёки ёзган хати билан, ёхуд юборган совғаси билан, чунки элчи — унинг ўзи демакдир, хати — унинг нутқи, сўзини, совғаси эса ҳимматини кўрсатади.

● Қадимги араб халифаларидан Ҳорун ар Рашид янги бир сарой бино қилмоқ бўлади. Шу саройнинг ўртасига тўғри бир устун қўйиш керак бўлиб қолди. Ҳорун ар Рашиднинг буйруғи билан шундай тўғри устун қидириб-қидириб, ниҳоят Бағдод шаҳрига яқин бир қишлоқдан топдилар. Уни Бағдодга келтирдилар. Ҳорун ар Рашид ўзининг амалдорлари билан бирга устунни кўриш учун у қўйилган майдонга келди. Томошабинлар орасида донишманд Баҳлул доно ҳам бор эди. У майдонда турганлар орасини ёриб чиқиб, устун ёнига келди. Устунга қулоғини тутиб, унга пичирлаб бир неча сўз айтди.

Халифа унинг қилиғидан таажжубланиб, бунинг сабабини сўради. Баҳлул доно шундай деди:

— Мен устундан: «Сен бир ёғочсан, нега бунча иззат ва ҳурматга лойиқ бўлдинг? Ҳатто халифа ҳам сенга пешвоз чиқиб, кўргани келди», — деган эдим, устун шундай жавоб берди:

— Мен эгри бўлмадим, тўппа-тўғри ўсдим, тўғрилигим шундай иззат-ҳурматга сабаб бўлди. Эгри бўлсам эдим, ўтин қилиб ёқардилар.

**БАЙТ:**
**Эгриликдан бўл йироқ, қил тўғриликни ихтиёр,**
**Тўғри бўлсанг, эй ўғил, бахту саодат сенга ёр.**

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

Бугун бу ерга қадам қўйиб, ўша воқеалар эсимга тушди. Ўша боғбонни қатл қилдирдим.

Ривоятчи айтди: «У кишининг жазоси бундан ҳам батарроқ бўлиши лозим экан, уни азоб-уқубатлар билан ўлдирмоқ керак экан, чунки у шундай бахил ва паст ҳиммат киши экан. Агар пасткаш одам бўлмаганида нон билан қатиқ учун кишини шунчалик азоблаб, ранжитмас эди. Бу давлатни подшога худойи таоло марҳамат қилган экан, унинг раҳмат ва қудратининг далилидир. Олло у ёмонни ўз қаҳрига олиб, жазосини берибди. Шояд энди у мўйсафид қассоб яхшилигининг хайрини берса...

сота кўрма. Агар овқатинг тугаб, пулинг охирига етиб тирикчилигинг ўтмай қолса, дўстинг душманга айланади. Мабодо шундай аҳвол содир бўлиб қолса, зинҳор сен ўзингни ёмонотлиқ қилма!

Фалон уйнинг шифтига арқон осиб, тагига курси қўйиб қўйганман. Сен ўша уйга бориб курсига чиқиб, арқонни бўйнингга солгач, курсини тепиб юборишинг лозим. Зотан, душмандан эҳсон сўраб яшамоқдан ўлим минг карра афзалроқдир!..»

Йигитнинг отаси шу васиятни қилгач, охират сафарига равона бўлди. Отасининг таъзиясини тугатгач, у мол-мулкни сотиб совура бошлади. Оз муддат ичида барча мол-мулкдан ажралди. Ҳатто энг охири асбоб-ускунагача сотди. Уйдан бошқа ҳеч нарса қолмади. Унинг аҳволи шу даражага етдики, бир неча кеча-кундуз давомида ейишга бир нарса тополмай оч қолди. Ҳеч ким унга ҳеч нарса бермади. Шундан сўнг отасининг васияти эсига тушди. Бечора йигит ниҳоят, иложсизлик туфайли ўлимга пешвоз чиқди.

Отаси васият қилган уйга кириб курси устига чиқди ва ўз бўйнига арқон солиб, ҳаёт билан видолашгач, курсини оёғи остидан туртиб юборди. Гавдасининг оғирлигидан арқон солинган уйнинг хариси синиб кетди ва синган хари орасидан ўн минг динор олтин ерга тушди. Йигит бойликни кўриб, ниҳоятда шод бўлди. Йигит билдики, отаси ўғлим мендан кейин ранж-машаққат жомидан татиб кўриб, энг сўнггида олтинларни топиб олса, унинг қадрига етади ва жойини билиб сарфлайди, — деган мақсадда васият қилган экан.

Шундан сўнг йигит икки ракат намоз ўқиб, ғафлат уйқусидан уйғонди ва ҳушёр тортиб, замона билимдони бўлди.

Бу ҳикоятдан мақсад шудирки, исрофгар киши барча мол-мулки қўлдан кетгандан сўнг, ғафлат уйқусидан уйғонади. Унинг меҳрибон ва мушфиқ отаси эса ўғлининг муҳофазаси учун оёққа туради.

* * *

Бу ҳикоя қози Муҳсун Танухий томонидан «бахтсизликдан сўнг шодлик» номли китобидан олинган улуғ кишиларнинг саргузаштлари ҳақидаги ҳикоядир.

Шоир Инфиний ҳикоя қилади:

— Менинг бир хожазода қўшним бор эди. Унга отасидан жуда кўп мол-мулк мерос қолган эди. Бинобарин, сарф-харажат борасида ҳеч ўйламай совурар ва исрофгарчилик қилардилар. Чунки бу молларнинг қандай йиғилганидан бехабар эди. Шунинг учун унинг қадрига етмасди. Ниҳоят, барча мол-мулкини елга совурди. Сўнгги динор ва дирҳамларгача ичиб, қиморга бой берди. Натижада, аҳволи шу даражага етдики, уйининг ёғочлари ва саройнинг эшикларини битта-битта бузиб, бозорга чиқариб сотар ва шунинг орқасида тирикчилик ўтказарди. Унинг аянчли аҳволини кўрган кечаги дўстлари ундан юз ўгирдилар ва унинг суҳбатидан қочдилар.

Муҳаммад Авфий

# Жавомеъ ул-ҳикоёт

Мен ушбу сўзни айтишим биланоқ подшонинг авзойи ўзгарди, кўзлари қизариб, менга бақирди:

— Эй аблаҳ одам, сенингча мен мўйсафид қассобга раҳм қилиб, лутф-эҳсон қилсам. Шундан сўнг у мени таниб олиб, «подшоҳ бир вақтлар менинг қоровулим бўлган эди», деб ҳар ерда мақтаниб юриб, натижада менинг обрўйим ва шон-шуҳратимни ер билан яксон қилсинми?

Менга хавф-хатар яқинлашиб, ҳалок бўлишимга бир баҳя қолган эди. Шундан сўнг унинг олдидан туриб, ташқарига чиқдим. Энди унинг олдига қайтиб киролмасдим. Мени ўлдиришга қасд қилганини сездим. Зероки, у ўз сирини менга айтиб қўйганидан пушаймон эди.

Ниҳоят, ундан қочиб, Бағдодга бордим. У ердан Шомга ўтдим. То у тирик экан, мен Хуросонга қайтиб кело олмадим. Агар мен унинг қаҳрига учраган мамлакатда қолганимда эди, ҳар қандай йўл билан мени ўлдиришига ишончим комил эди.

Натижада, унинг қаҳр-ғазаби ва зулмидан халқ безди ҳамда ундан чўчиб қолди. Ниҳоят, амир Исмоил унга қарши уруш очди ва бир ҳийла билан унинг барча аскарларини енгди. Подшоҳ эса балога гирифтор бўлди.

* * *

Амир Маъмуннинг надимларидан бири унинг ҳузурида ғазаллар ўқиб, ҳар хил ҳикоялар сўзлар эди. Шу аснода у шундай деди:

— Менинг бир диндор, парҳезкор ва камбағал бир қўшним бор эди. Умри охирлаб, ажал унинг ёқасига чанг солди. Ажалга қарши қилган барча ҳаракатлари бекорга кетди. Унинг бир ўғли бўлиб, ёш ва тажрибасиз эди. У ўлими олдидан ўғлини чақириб, унга васият қилди: «Олло менга жон бериб, мол ва неъмат ато қилибди. Мен ушбу мол ва неъматни ранж ва машаққатлар билан қўлга киритганман. Аммо эндиликда бу моллар осонликча сенинг қўлингга ўтгуси. Лекин сен бунинг қадрига етмасдан, ноаҳиллар билан дўст бўлиб елга совурмаслигинг лозим. Исрофгарчиликдан ўзингни сақлашга ҳаракат қил!

Балки мен ўлганимдан сўнг сен ноаҳиллар билан дўстлашарсан ва улар сени фасод йўлига бошлаб, барча мол-мулкингдан жудо бўларсан. Шуни эсингда тутки, мендан сенга қоладиган мол-мулкнинг ҳаммасини сотсанг ҳам, аммо уйни

**(Давоми бор).**

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

### ТОПШИРИҚЛИ СКАНВОРД

| Муно-сабат | Ёрдам | Тен-нисчи исми | Бонс | Мўъ-жаз асар | Ёғин асоси | Беш достон | Ҳинд дарёси | Шимол ўрмон-лиги | Мил-лий спорт |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ↓ | ↓ | ↓ | ↓ | ↓ | ↓ | ↓ | ↓ | ↓ | ↓ |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| **Томо-ша ўрни** | **Мусиқа асари** | **Нақлий асар** | **Жануб меваси** | **Балиқ тури** | **Шифо-бахш гиёҳ** | **Достон ижод-кори** | **Авто марка** | **Драма қисми** | **Нон тури** |
| ↓ | ↓ | ↓ | ↓ | ↓ | ↓ | ↓ | ↓ | ↓ | ↓ |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |

Сканвордни ҳал этсангиз айланалардаги ҳарфлардан қаторлар бўйича ҳикматли сўз аён бўлади.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 29 ноябрь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига:** 1. Зира. 2. Азиз. 3. Азим. 4. Метр. 5. Твен. 6. Кема. 7. Адан. 8. Дарс. 9. Миср. 10. Амма. 11. Абай. 12. Бола. 13. Миля. 14. Марс. 15. Морс. 16. Тайм. 17. Гуаш. 18. Горн. 19. Инжу. 20. Лупа. 21. Арра. 22. Кран. 23. «Нидо». 24. Дори. 25. «Ором». 26. Минг. 27. Накд. 28. Қайс. 29. Ойна. 30. Қози. 31. Ринг. 32. Гоби. 33. Балл. 34. Олчи.

**Муаммонома**

**Ҳикмат: Идрок — одамийликнинг асосий куроли.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 4531 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1108. Босмага топшириш вақти 13.00 Топширилди 11.55 1 2 3 4 5 6